
Содиржон Абдуллаев Ўзбекистон тумани Ички ишлар бўлими бошлиғи этиб тайинланди

Подполковник Абдуллаев Содиржон Солижонович Ўзбекистон тумани Ички ишлар бўлими бошлиғи этиб тайинланди. Бугун туман ҳокимлигида бўлиб ўтган фаоллар йиғилишида Содиржон Абдуллаев жамоатчиликка таништирилди.

Содиржон Абдуллаев 1968 йилда Риштон туманида туғилган. 1998-1999 йилларда Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ўқув маркази тингловчиси бўлган Содиржон Абдуллаев 1999 йилдан 2018 йилгача пойтахт ички ишлар бош бошқармасида турли масъул лавозимларда фаолият олиб борган.

2018-2022 йилларда Қўштепа тумани ички ишлар бўлими бошлиғи бўлган. 2022 йилдан тайинловга қадар Бешариқ тумани ИИБ бошлиғи лавозимида хизмат қилган.

2023-08-21 19:22:05